

HUQUQ

14

(433)

YURIDIK GAZETA


Апрел

D.	3	10	17	24	
S.	4	11	18	25	
Ch.	5	12	19	26	
P.	6	13	20	27	
J.	7	14	21	28	
Sh.	1	8	15	22	29
Y.	2	9	16	23	30

2006

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz

↓ **Amir Temur tavalludining 670 yilligi oldidan**



Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустақамлаш даврида Amir Temur биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даврида, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Ислон **КАРИМОВ**

Соҳибқироннинг сиёмаси

Буюк бобоклонимиз Амир Темур тўғрисида мақола ёзиб беришимни илтимос қилишганда дарҳол рози бўлдим-у, аммо қоғоз қоралаш анча қийин кенди. Фикрларим чалқиб кетаверди. Гапни нимадан бошлашни билмасдим. Ниҳоят таниқли шарҳшунос олимларнинг фикрларига мурожаат қилдим.

Машҳур олимон ислоншунос ва шарҳшунос олими, марҳум Аннамарие Шиммель хоним «Самарқанд уфқда бўлар намоён» асаридида шундай деб ёзган: «Жаҳонни лол қолдирган улкан ҳамда чўнг асарлар яратиб қўйганига қарамадан Абу Райҳон Берунийнинг номи Европада буюк соҳибқирон Амир Темур номчалик маълум ва машҳур эмас. Амир Темур номдор саркарда бўлибгина қолмай жуда санъатсевар, ўз давлатининг пойтахти Самарқандга оройиш бердиш учун забт этилган мамлакатлардан барча олимлар, санъаткорлар, қўлгулусталарни йиғиб келиб, уларга раҳнамолик қилган, ишлаши ва иход қилиши учун яхши шароит яратиб берган назарқарда бир зот бўлган».

Хайлга толаман. Мактабда ўқиб юрган пайтларимиз, тарих фанидан дарс берган муаллимларимизнинг гаплари ёдимга тушади. Буюк бобоклонимизга қанчалар тош отилмаган дейсиз.

Тўғри, ўрта асрларда бўлиб ўтган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг Амир Темур тўғрисида бутунлай бошқача фикр билдирганлиги гаройиб эмасми? Амир Темурнинг 16-асрда Европада маълум ва машҳур бўлган мухтасар таржимаи ҳоли 1479—1488-йилларда она шах-

рининг ҳоқими бўлган, сўнгра Фарангистонда сургунда яшаган генуялик Баттиста Фрегозо қаламига мансуб. У шундай деб ёзади: «Амир Темур ўз лашкарини оқилона бир маҳорат ва мустақам адолат билан бошқаради. Султон унга қарши урушга жўнатган аскарлар ҳам Амир Темурнинг ўта адолатли эканини кўриб унинг тарафига ўтиб кетадилар.

Алал-оқибатда у юртини «араблар ва форс шоҳлари» дастидан юлиб олади ҳамда ўзи мамлакат ҳукмдорига айланиб, халқини адолат билан бошқаради, давлатни юксак савияда идора қилади. Бир бор кўз қирини ташласа ёки қўли билан бир ишора қилса кифоя, барча мушқулотлар адо этилиб, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча фуқаро ўз бурч ҳамда вазифаларини бекам-у кўст бажардилар. Ҳали биронта саркарда ўз қўшинини Амир Темурдек доналиқ билан туюлмаган ва бошқара олмаган.

Шу боис у зафар устига зафар қўнган.

Истанбулни эгаллаб олишга уринган усмонли турк шоҳи Боязид устидан қозонган ғалабаси Амир Темурнинг улкан ғалабаларидан биридир.

1577 йили Парижда «Дунё тарихи» деган асар чоп этилган. Унда ўтган барча улкан тарихий шахсларнинг фаолияти таққосланиб чиқарилган бир ҳўлса бор. Эътибор беринг: «Омад ёр бўлиб, асосан эса ўзининг барча иқтидор оқиллик билан ватанини озод этишдек юксак мақсадга йўналтирилганлиги, мардона салохияти ва савобли ишлари шарофати билан Амир Темур ҳокимият тепасига келди, зафар кетидан зафар қўчди. Доро, Искандар Зулқарнайн ва Цезарнинг ишларига мос келадиган ва ҳатто уларнинг ҳаммасини қўшганда ҳам барчасини ўз соясига қолдирадиган улкан вазифаларни амалга оширди.

Амир Темур скифларни олис Волга тарафларга улқотириб ташлади. Ун-гача ҳеч ким скифларни бўйсунди-ролмаган ва ҳатто бўйсундиришга уринишга ҳам журъат қилолмаган. Амир Темур ярқ этиб кўзга ташлана-диган тарихий шахс, омад ва маҳоратнинг мутаносиб ҳамкорлиги маҳсули сифатида жаҳон саҳнасига чиқди. Бу икки фазилатга эга бўлган ҳукмдор мағлубият нелигини билмайдди, зафар устига зафар қуча-варади».

Бундан ташқари, 1564 — 1593-йилларда яшаб ижод қилган Христофор Марло Амир Темур образини Европа саҳнасига олиб чиққан.

Бу асар ҳали ҳам саҳнадан тушгани йўқ. Москвада 1672 йилда шохнинг кўрсатмаси билан тузилган театр жамоаси рус тилида сахналаштирган илк асарлар орасида Марлонинг Амир Темур ва Боязид тўғрисидаги трагедияси ҳам бор эди. Георг Фридрих Хендсел 1724 йилда ўзининг Амир Темур тўғрисидаги операсини инглиз саҳна ихлосмандлари эътиборига ҳавола этган.

Ҳарқуни эрталаб ишхонамга Амир Темур хиёбони орқали ўтаман. Буюк бобоклонимизнинг хиёбон ўртасига ўрнатилган ҳайкали қошида бир зум тин оламан ва у зотнинг мармар тошга зарҳал билан битилган «Куч адолатдадир» деган ҳикматини қайта-қайта ўқийман. Пайгамбаримизнинг «Бир қуллик адолат етмиш қуллик ибодатдан устунроқдир» деган ҳадиси шарифлари ёдимга тушади.

Адолатни қўлларидида машъала қилиб кўтарган бобоклонимиз ҳали не-не авлодларга йўлчи юлдуз бўлишига ишонаман.

Йўлдош **ПАРДА**,
Ўзбекистон ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

«Мустақиллик ҳуқуқ демакдир»

Кўрик-танловига марҳамат

Мустақилликнинг ўн беш йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигидаги «Huquq» газетаси тахририяти кўрик-танлов эълон қилади.

Ватанимиз мустақиллигининг ўн беш йиллиги олдида Республика Бош прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш, қонунийлини таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш йўлидаги фаолияти ёрқин акс эттирилган, мустақиллик туфайли мамлакатимизда юз бераётган буюк ўзгаришлар, замондошлар онгида, руҳиятида, қалбида ва кифёсидидаги янгиланиш, она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий ғурур ва инсоний кадрятлар улугланган энг яхши очерклар, мақолалар, репортажлар, суҳбатлар, фото лавҳалар ва бошқа жанрдаги материаллар ижодкорларини, прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий тарбия ишида фаол қатнашувчи ходимларини, барча қаламқаш дўстларни кўрик-танловда қатнашишга таклиф этамиз.

Кўрик-танловни ўтказиш қоидалари

Юборилаётган материал босма ёзувда кўчирилган бўлиши ва унда «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» кўрик-танловига тақдим этилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Кўрик-танловга тақдим этилган материал «Huquq» газетасида чоп этилади.

Эълон қилинган материаллар ички тақриз қилиниб, хулосалар кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этилади.

Ҳайъат хулосаси ҳал қилувчи қучга эга.

Ғолиблар «Huquq» газетасида, Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади.

Ғолибларни муқофотлаш

«Huquq» газетасида чоп этилган энг яхши мақолалар учун унча муқофот ажратилади:

Биринчи муқофот — 100 минг сўм;

Иккинчи муқофот — 50 минг сўм;

Учинчи муқофот — 25 минг сўм.

Бундан ташқари кўрик-танловнинг энг фаол иштирокчилари учун унча рағбатлантирувчи муқофотлар таъсис этилади.

Кўрик-танлов материалларини қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин.

Тошкент, Яхё Ғуломов кўчаси, 66-уй,
«Huquq» газетаси тахририятига

↓ **Xabar**

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ ИЖРОСИ

Андижон вилоят прокуратураси ташаббуси билан Республика давлат муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг касба уюшмаси марказий кенгашининг Андижон вилояти бўйича вакиллиги фаоллари йиғилишида меҳнат муносабатларини тартибга солишчи қонунларни амалиётда қўллаш, меҳнат низола-рининг судлар томонидан кўрилиши ва бу жараёнда прокурор ишти-роки масалалари муҳокама қилин-ди. Муҳокамада вилоят прокурату-расининг бўлим бошлиги А.Тўхта-синов, вилоят фуқаролик судининг судяси М.Тожибоев, тармоқ касба уюшмаси марказий кенгашининг юристи О.Ғайназаровлар меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш хусусида фикр-мулоҳазала-рини баён этдилар.

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq» мухбири

Муҳтарам муштарийлар!

«Huquq» газетасига
2006 йил учун обуна
давом этмоқда.

Ҳаётингизни мазмунли
ўтказиш — бу сизнинг

ҳуқуқингиз.

Ўз «Huquq»ингизни

қўлдан бой берманг.

«Huquq» шубҳасиз

сизнинг минбарингиздир.



Индексимиз: 231

— Одамлар вилоят «Иссиқлик манбаи» акциядорлик жамияти, уй-жай ширкатлари муаммоларини бартараф қилишга сидқидилдан бироқар дея умид қилишганди. Кириқ бу гал ҳам мавсум тахсинга лойиқ тарзда кечди деб бўлмайди, — дейди урганчлик Ферузабону Шихназарова.

Ҳа, иситиш мавсуми 2005 йилнинг 1 ноябрида бошланган бўлса ҳам, туманлардаги ва Урганч шаҳридаги 450 дан зиёд кўп қаватли уйларнинг яримдан кўлида нафақат иссиқлик энергияси, балки иссиқ сув ҳам оилаб берилмагани сир эмас. Истеъмолчилар кўп ҳолларда аниқ ва қонуний тузилган шартнома бўлмаганидан кейин фойдаланмаган хизматларга нима учун

га жавоб топиш мақсадида Урганч шаҳри ва Хазорасп туманларининг айрим маҳаллаларида сўров ўтказди. Маълум бўлишича, энг аввало истеъмолчилар коммунал хизматлар тартиб-қоидаларидан беҳабар, хизмат кўрсатиш тўрисида идоралар билан қонуний шартнома ҳам тузмаганлар. Улар хизмат тарифлари, нималар учун ҳақ тўлаши лозимлиги ва қарзи борасида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. «Коммунал хизмат идораларининг назоратчилари тушунтириш олиб боришмайди. Фақат қарз миқдорини кўрсатиб, дағдаға қилиб кетишади. Шунингдек, электр энергиясини ҳам жуда кўп оғохлантормасдан ўчириб қўйишади», — дея эътироз билдиришади истеъмолчилар.

вазятдан чиқиб бўлмайди. Бу тўғрисида, «Иссиқлик манбаи» мутахассислари ва ширкат ходимлари жиддий бир тўхтама келишлари керак.

Мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, Урганч шаҳридаги Комилжон Отаниёзов кўчасидаги 7/1-уй ва 7/2-уй ҳамда бошқа кўпгина кўп қаватли уйларда яшовчиларга кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақларни қайта ширатлашма ҳодимлари кўмағида қайта ҳисоб-китоб қилишга эришилган.

Аслида фойдаланилмаган хизматлар учун ҳақ тўламалик учун фуқаро аввало ширкатга, «Иссиқлик манбаи»га ёзма ариза бериши зарур. Ширкат ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирокида далолатнома (иссиқ-

Меҳнат шартномасини бекор қилишнинг алоҳида хусусиятлари

Ўзбекистоннинг Меҳнат кодекси бозор иқтисодиёти шароитида юзага келадиган меҳнатга оид бурча муносабатларини тартибга солишга қаратилган асосий ҳуқуқий ҳужжатдир. Ушбу кодекс Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат ва дам олиш ҳуқуқларини таъминлаш билан бирга улар иш бевуручнинг ташаббуси билан ишдан бўшатилган ҳолларда имтиёзли ҳуқуқларга эга бўлишини ҳам қамраб олади.

Амалиётда корхона тугатилиши сабабли иш бевуручи томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишда кодексда белгиланган шу имтиёزلарни тўғри қўлламаслик ёки умуман қўлламаслик натижасида бир қатор низолар вужудга келади. Жумладан бу низолар асосан корхонанинг ҳақиқатда тугатилган ёки тугатилмаганини иш бевуручи аниқлаштирмаслиги ёки корхона тугатилганлиги муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳодимнинг ҳуқуқлари таъминланмаслиги сабабли келиб чиқади.

Корхона тугатиш деб топиш учун Олий суд пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тартибга солиш учун қонуний қўлланадиган ҳақиқатга» (1998 йил 17 апрел) қарорининг 27-бандига эътибор бериш лозим. Ушбу бандда корхона мулкдорининг алмашини ёки унинг қайта ташкил этилиши (қўшилиши, бўлиниши, янгидан ташкил топиши, ажралиб чиқиши) корхонанинг тугатилиши деб қаралмаслиги ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиши келтириб чиқармаслиги тушунтирилган.

Юқоридагиларга қўра, корхона номининг ўзгариши, шунингдек унинг бир орган ихтиёридан бошқасига ўтказилиши корхонанинг тугатилиши деб баҳоланиши мумкин эмас ва бу меҳнат муносабатларининг бекор қилинишига олиб келмайди. Масалан, аёллар қўйлагини ишлаб чиқаришга ихтисослашган фабриканинг бошқа кийим ишлаб чиқарувчи фабрика билан бирлаштириш иккала фабрикани ҳам тугатишга деб топиш учун асос бўлмайди.

Амалиётда корхона тугатилиши билан ҳодимларнинг сони ёки штати қисқариши сабабли меҳнат шартномасини бекор қилиш бери-биридан фарқламастик натижасида ҳам меҳнат қонуналигининг бузилишига йўл қўйилади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам шартнома иш бевуручининг ташаббуси билан бекор қилиниб, бу ҳақда ҳодимнинг икки ой олдин оғохлантқириш лозимлиги белгиланган бўлса-да, меҳнат шартномасини бекор қилишда белгиланган имтиёзлар бери-биридан фарқ қилади.

Масалан, ҳодимларнинг сони ёки штати қисқариши муносабати билан иш бевуручи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда кўп йиллик стажга эга бўлган ҳодимлар корхонада ишла қилиш каби имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади. Корхонанинг тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда эса бундай ҳуқуқ белгиланмаган. Худди шу каби ҳодимларни ишта жойлаштириш, ишдан бўшатилган нафақаси тўлаш каби масалаларда ҳам бери-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари мавжуд.

Айрим ҳолларда ҳодим иштг тикланганда корхонанинг тугатилганлиги натижасида унга мажбуран ишта келмаган вақтлари учун пул тўлаш масаласини ҳал қилишда ҳам баъзи муаммолар вужудга келади. Масалан, Аҳмедов Рустам 2001 йил 6 августдан бошлаб «Пахтакор» ширкат хўжалиги раисининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаб келиб, 2002 йил 8 октябр кунги буйруқ билан «Хўжалик раисининг топшириқларини бажаришдан бош торртанлиги ва топшириқларни бажаришида толамачилик қилгани учун» ишдан бўшатилган. Иш охири марта 2003 йил 26 мартада вилоят судининг апелляция инстанциясида кўриб чиқилиб, Р.Аҳмедовни ишта тиклаш ҳақда мажбурий бекор юрган қунарлари учун иш ҳақи ундириши тўғрисида ажрим чиқаришган.

Ишта тиклаш бўйича даъво қилинаётган хўжалик эса 2003 йил 18 январда туман ҳокимининг қарори билан тугатилиши лозим бўлган хўжаликлар рўйхатида киритилиб, Р.Аҳмедовни ишта тиклаш имконияти йўқ бўлишига қарамай, тугатилган корхонага ишта тиклаш ва бўш юрган вақтлари учун пул тўлаш бўйича талаб қўйилганлиги сабабли Бош прокуратура томонидан суднинг қарорига нисбатан протест келтирилган. Чунки, Олий суд пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг тартибга солиш учун қонуналигини қўлланадиган ҳақиқатга» (1998 йил 17 апрел) қарорининг 49-бандига асосан ҳодим билан иш бевуручи ўртасида тузилган меҳнат шартномаси қонунга хилоф равишда бекор қилинган бўлса-да, аммо корхона тугатилиши натижасида ҳодимни ишта тиклаш имконияти бўлмаса, тугатиш комиссияси ёки корхона тугатиш ҳақида қарор чиқарган органга ҳодимнинг мажбуран бўш юрган вақти учун иш ҳақи тўлаш талабини қўйиш лозим. Шундангина корхона тугатилганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинган деб топилади.

Корхона тугатилиши сабабли иш бевуручи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ҳодимга қуйидаги қарорлар берилиши лозим, яъни ҳодим меҳнат шартномаси бекор қилинаётганлиги ҳақида икки ой олдин хабардор қилиниши ёки бу муддатни унинг розилиги билан пулли компенсация билан алмаштириш, Меҳнат кодексининг 109-моддасига қўра, бир ойлик иш ҳақи миқдоридан ишдан бўшатилган нафақаси билан таъминлаш шарт. Корхона тугатилганлиги сабабли меҳнат шартномаси бекор қилинганда тугатиш комиссиясига ёки бу ҳақда қарор чиқарган органга ҳодимларни ишта жойлаштириш мажбурияти юклатилмайди.

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Республика Бош прокуратураси
Конунчилигини мустаҳкамлаш муаммолари
ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш
маркази қатта ўқитувчиси

Яширишга ҳожам йўқ

Хоразм вилоятида кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳоли 2004 — 2005-йил кич мавсумида талаб даражасида иссиқлик ва иссиқ сув берилмаганидан шикоят қилишганди. Улар бу муаммонинг келиб чиқишига асосан уй-жай мулкдорлари ширкатларининг мутасаддилари айбдор деган фикрда эдилар. Мана, 2006 йилнинг киши ҳам ортда колди. Бироқ аҳвол ҳамон ўша.

ҳақ ундирилаётганидан таажубубга тушадилар. Аксарият ҳолларда бунинг сабабини сўраб қўқорида номи кўрсатилган идораларга қатнашмиш, дангал жавоб ололмаганидан кейин пул тўламаликка қарор қилишади. Иккала масъул ташкилотнинг айбини бери-бирига тўқнаши натижасида иссиқлик энергияси ва иссиқ сув ҳамда бошқа техник хизматлар учун ҳақ ҳисобланиб, аҳолининг қарзи сунъий равишда ўсиб бормоқда. Уй-жай мулкдорлари ширкатлари нодавлат-нотижорат ташкилот эканлигини, ҳодимларнинг иш ҳақлари мулкдорларнинг бадаллари ҳисобидан тўланаётганини ҳисобга олиб, ўз фаолиятини тубдан ислоҳ қилмоғи жоиз. Акс ҳолда аҳвол ўша-ўшалигича қолаверади.

Хоразм вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмасига юзлаб фуқаролардан шикоятлар келиб туради. Уларнинг аксарияти уй-жай мулкдорлари ширкатлари, «Иссиқлик манбаи», электр энергияси ва газ таъминоти корхоналари ишидан норози бўлишади. Шикоятларнинг айримларида ўринли тақлифлар ҳам қайд этилади. Жумладан, баъзи истеъмолчиларнинг катта миқдордаги қарзини бартараф этиш учун уларнинг хонадонидан иссиқлик энергияси, сув ёки газ таъминоти узиб қўйилса, бошқаларга ибрат бўлиши таъкидланади. Бу истакларда жон бор, албатта. Бутун бошли кўп қаватли уйни таъминотдан ажратиб қўйгандан кўра йиллаб пул тўламай келатган айрим фуқароларнинг хонадонини ажратиб қўйган афзал эмасми?!

Тахлиллар шуни кўрсатаптики, кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳолининг иссиқлик энергияси, иссиқ сувдан бўлган қарзи электр, совуқ сув ва газга нисбатан анча кўп. Аҳолини ахшиллаш учун уй-жай мулкдорлари ширкатлари ва «Иссиқлик манбаи» томонидан уй эгалари билан кўпроқ тартибот ишлари олиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлиб эди.

Дарвоқе, яқинда истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси «Вилоятдаги аҳолининг коммунал хизматлардан қарзи камайтаётганининг асосий сабаблари нимад?» деган савол-

Х о - разм вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси ҳодимларининг асосий вазифаси аҳолининг эътирозини ўрганиш билан бирга, уларга ҳуқуқ ва бурчларини чўқур тушунтириб боришдир. Жойларда бўлган урчашуларда аҳолидан: «Уй-жай мулкдорларининг ҳуқуқлари ва коммунал хизмат соҳасига тегишли қонунчиликлардаги ўзгаришлар нималардан иборат?» деган мазмунда саволлар ёғилади. Ҳодимларимиз энг аввало бозор иқтисодиёти шароитида давлатимизда ҳуқуқий маданият ёқуд қонунчиликнинг асосий тартиби ўзaro тузилган шартнома интизомга қатъий риоя қилиш билан белгиланади дея жавоб беришади.

Мурожаатларга қараганда уй-жай мулкдорларининг ҳуқуқларини бери-биридан ширкат ҳодимлари, иккинчи томонидан эса коммунал хизмат кўрсатувчилар кўпол равишда бузқокдалар. Масалан, Урганч шаҳрида кўп қаватли уйларнинг 70-80 фоизи 1991 йилгача қурилган бўлиб, ҳуқуқимиз қарорлари билан бу уйларни мукамал таъмирлаш учун бюджетдан маблағ ажратилади. Ҳар йил режа асосида маълум бир уйлар мукамал таъмирланмоқда. Лекин қилиб келиб, уйларнинг сифатсиз таъмирланганлиги кўриниб қоляпти. 2004 — 2005-йил кич мавсумида бу аҳвол яққол сезилди. Уй эгаларининг шикоятларида квартиралар бир неча йилдан бери қишда иситилмаётганлиги, ширкатлар ва коммунал хизмат идоралари кўрсатилмаган хизмат учун пул талаб қилаётганлиги акс этади.

Яширишга ҳожат йўқ, вилоят марказидаги кўпгина ширкатлар фуқароларнинг шикоятларига эътиборсиз қарашган. Оқибатда ёз бўйи уйларнинг аҳоли ўрганилмаган. Аммо ҳар бир хонадонга ҳеч қандай кўрсатилмаган хизматлар учун ҳам ҳақ ҳисоблаб келишни фаромуш қилишмаган. Пировардида одамларнинг фойдаланилмаган хизматлардан 60.000-70.000 сўмдан қарзи юзага келган. Илжосиз қолган айрим фуқаролар уйларидаги иситиш тизимини тармоқдан узиб ташлашга мажбур бўлапти. Албатта, бу билан

лик энергияси, сув, газ келмаслиги ҳақида) тузиш керак. Кўп ҳолларда номлари зикр қилинган иккала маҳкама амалдорлари далолатнома-ларга имзо чекишга рўйхушлик бермайдилар. Шу боис тўлов интизими бузилади ва истеъмолчи айбсиз айбдор бўлиб қолаверади.

Агар тегишли идораларнинг амалдорлари далолатномани имзоланган сабабсиз бош тортса, истеъмолчи судга мурожаат қилиш лозим. Суд қарорини чиқунга қадар у кўрсатилмаган хизмат учун тўловни тўхтайтиб туришга ҳақли. Бундай ҳимоялашиш «Ўзкоммуналхизмат» ағетлиги бош директорининг буйруғи билан тасдиқланган. Адлия вазирлигида 2002 йил 13 сентябрда рўйхатга олинган низоимнинг 22-бандида қўзда тутилган.

Энг аввало, уй-жай мулкдорлари ширкатлари мулкдорлар устидан бюрократик устўрма йўсинида иш олиб бормаслиги жоиз. Ахир ширкатлар маъмурий идора эмас. Балки нодавлат-нотижорат ташкилот ва уларнинг умумий мол-мулкни бошқариш шақлидир. Уни хонадон соҳиблари сайлашади. Уз вазифасига совуққон бўлган раисни қайта сайлашга ҳам мулкдорлар ҳақлидир. Лекин мулкдорлар шуни аниглаб олишлари зарурки, уларнинг ўрнига ҳеч ким ҳеч нарса қилиб бермайди. Ҳар бир хизмат учун ҳақ тўлангандан кейингина унинг сифатини баҳолаш лозим. Мабоодо хизмат кўрсатувчида даъво қилиб ёзилган аривалар эътиборсиз қолдирилса, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 29-моддасига асосан судга мурожаат қилиш мумкин.

Мурасар ЖАЛОЛОВА,
Хоразм вилоят истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси раиси.
Эрнўлат БАКТ,
«Huquq» мухбири

Кийимнинг-ку доғини кеткисса бўлар. Аммо инсон шаънига доғ тушса-чи?

Мабодо кийимингизда қандайдир доғ пайдо бўлса, канчалик нуқулай аҳволга тушасиз. Хусусан оппоқ либос бўлса.

Кийимнинг-ку доғини кеткисса бўлар. Аммо инсон шаънига доғ тушса-чи? Бундан олохнинг ўзи асра-син. Ахир, шармандаликдан оғир жазо борми?!

Биз қаламга олмоқчи бўлаётган кишиларнинг касб-кори турлича. Бир қарашда бир-бирига умуман алоқаси йўқдек. Бироқ уларнинг ўхшаш томони ҳам бор. Ҳар иккаласи таъмағирлик йўли билан бойлик орттиришга ружу қўйиб, номига доғ туширган кимсалардан.

Бошқаларга сабоқ бўлар деган умидда воқеа қандай бўлган бўлса, худди шундай хикоя қилмоқчимиз. Фақат андиша юзасидан «кахрамон»ларимизнинг исм-фамилияларини ўзгартирдик, ҳолос.

Домланинг зўғуми

Отаси оғир касал бўлганлиги боис, Ботирнинг кўнглига чироқ ёқса ёришмасди. Шундай бўлса, ноилоҳ 4 сентябр куни университетга ўқишга келди. Барибир қўлоғига гап кирмас, хаёли отасида эди.

— Ботир, сенга июн ойида «Конституциявий ҳуқуқ» фанидан «4» баҳо қўйганлиги учун домла Эшбоев Ўткир ака 21.000 сўм сўра-япти, — деди унга танаффус пайти гуруҳ сардори.

— Ака, отам касал бўлса, вази-ятни биласиз-ку.

— Эшбоевни отангнинг касаллиги қизиқтирмайпти. Тезда келиб учрашсин деди.

Ботир нима дейишни билмасди. Дардини ичига ютиб, уйига кетди.

Эртасига яна дарсга келди.

— Энди Эшбоев 25.000 сўра-япти. Мен ҳам қўйналиб кетдим, — деди гуруҳ сардори. — Яхшиси Ўткир акага ўзинг бориб учраш.

Ботир домласининг бундай ноинсофлигидан қаттиқ ранжиди. Нима қилишни билмай боши қот-ганди.

...Ўткир Эшбоев катта олим. Анча йиллардан буён университетда ишлайди. «Хуқуқшунослик» кафедраси мудир. Кўпроқ миллий истиқлол гоёси, ҳуқуқ ва маънавият асослари бўлими талабаларига сабоқ беради.

У дарсларда талабаларга қараб: «Мен минг ёки икки минг сўм пул учун баҳо қўймайман. Кўпроқ оламан. Баҳо олиш учун бировни аралаштириб юрманлар. Тўғри ўзинга келиб учрашинлар. Бўлмаса мендан ҳеч ким баҳо оломайди», — дерди сурбетларча.

Домла айтганини қилар эди. Аввалги йиллари ҳар бир имти-хон учун 4000 сўмдан олган бўлса, кейинчалик бу миқдорни икки баравар оширди.

Ф.Усмонова «Фуқаролик ҳуқуқи» фани дарсларига доим фаол қатнашиб келган. Шунга қарамай Эшбоев баҳо қўйиб бериш эвазига ундан 8000 сўм талаб қилади.

— Домла, менинг бунча пулим йўқ, — деди у.

Эшбоев бу гапни эшитиб, жаҳд отига минади. Талабанинг били-мини текширмастан «икки» қўяди.

Шундан кейин илҳизси қол-ган Ф.Усмонова пул берди. Бундан мамнун бўлган Эшбоев «Им-тихонини қайта топширув рўхсат-номаси»га билимини текширма-данок «аъло» баҳо қўйиб беради.

Талаба Ш.Саидова билан ҳам шу ҳол такрорланади.

Эшбоев талаба Б.Тошқулони



хузурига қақиртириб, қўлига бир парча қоғоз тутқазди.

— Мана шу қоғозда ёзилган топшириқларни бажарасан. Эвазига сенга имтиҳонларда ёрдам бераман. Агар бажармасанг, ўзингга ёмон бўлади.

Унда домланинг дастхати билан «10 кг. балиқ, кўкат, чайная сода, 4 литр қатиқ, 10 дона дро-жа, 6 дона россиякий 100 лик лампочка, 6 дона тиш ювиш па-стаси «дентамед»ларни ... кунига қалар олиб келиш керак. Уй теле-фон рақамим ...» деб ёзилган эди.

Тошқулони бунча топшириқ-ни бажаришга имкони бўлмади. Домла кейинчалик уни учратиб қолиб, курсдошлари орасида оғиз-га олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақорат қилади.

Яқшанба куни эди. Эшбоев гуруҳ сардорларидан бири Х.Тура-евни университет маъмурий би-носидога хизмат хонасига қақир-тиради.

— Мен ўтган «Жиноят ҳуқуқи», «Фуқаролик ва оила ҳуқуқи» фан-ларидан курс иши ҳамда прак-тикини ўтаганликларингни топши-ришинларни керак, — деди у. — Бунинг эвазига ҳар бир талабадан 30.000 сўмдан йиғиб ол. Сенга беш кун муҳлат.

— Бизнинг гуруҳ болалари бунча пул беролмайди, — дея эъти-роз билдиради сардор.

— Ундай бўлса, 27.500 сўмдан олиб келиб топширасан. Бирортаси бермаса, ҳамманг университет-дан ҳайдалиб кетасан.

Талабаларнинг барчаси таш-вишга тушиб қолганди. Уларнинг мушкулани худонинг ўзи осон қилди. Уч кундан сўнг...

...Ботир ўша куни бундай адо-латсизликка чидай олмасдан те-гишли идорамга арз қилиб боради. Уни овоз ёзиб олиш молмаслаи беришади. Уни чўнтакка уриб, эртаси куни Эшбоевнинг хизмат хонасига кириб боради.

— Мени суриштирган экан-сиз.

— Гуруҳ сардори отаси касал дегани учун сенга «тўрт» қўйган эдим. Эвазига 25.000 сўм олиб

келиб бер. Бўлмаса баҳо қўйган ведомостни қайтариб олиб, тўртни ўчириб қарзор деб ёзиб қўяман. Агар айтилан «Конституциявий ҳуқуқ» фани - 21 минг сўм пулни берсанг, бундан кей-ин ҳам ёрдам бераман.

— Домла, бу пул менга оғир-лик қилади. Илҳизми бўлса, озроқ туширинг.

— Менга пул зарур. Эртагача ҳал қилиб кел.

— Майли, ҳаракат қиламан.

Шундан кейин Ботир дикто-фонни тегишли орган ходимла-рига топширади. Эртасига махсус ишлов берилган пулни Эшбоев-нинг хонасига олиб боради.

— Пуллари тўлиқ олиб кел-дингми?

— Тўлиқ, Ишонмасангиз санаб кўринг, — талаба резин қис-тирилган бир даста пулни унинг қўлига тутқазди.

— Майли, боровер, сенга «тўрт» баҳо қўйиб берганман, — дейди домла пулни санаб кўриб, ишонч ҳосил қилгач.

Ботир чиқishi билан хонага тешир ҳодимлар кириб келиша-ди.

Эшбоевнинг хонасига ўтказил-

Сўнги пушаймон

— Адлия вазирлиги сиз ариза ёзганмидин-гиз? — сўради Комил Сафаров.

— Ҳа, мен ёзгандим.

— Аризангизни кўриб чиқиш менга топширил-ган.

— Жуда соз. Энди бир ёрдам қилинг, ука. Бир йилдан бери сарсон бўлиб юрибмиз, — унга умидвор тикилди Ражаб бобо.

— Мана шу рўйхатдаги ҳужжатларни тайёрлаб келинг, — деди Комил виқор билан қоғозга нима-ларнидир ёзиб узатаркан. — Бу ёғини кўраман.

Бобо гўё хожати тезда равон бўлагидан-дек қувониб кетди.

«Қизил ой» маҳалласидаги ҳазрати Баҳовуд-дин Нақшбанд жомеъ масжиди қонун асосида фаолият юритиши, эътиқодли инсонларнинг унда эркин намоз ўқишлари учун ушбу даргоҳни қайта рўйхатдан ўтказиш талаб этиларди. Шу муаммони ҳал этишда ёрдам сўраб вилоят ва республика идораларига бир неча бор муурожаат қилишган. Натижа бўлавермагач, Ражаб бобо маҳалла оқсо-қоллари номидан вақил сифатида Адлия вазирли-гига бориб, ариза топшириб келди. Уни қонуний ҳал этиш Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси-нинг жамоат бирлашмалари ва диний ташкил-лар бўлими етакчи маслаҳатчиси К.Сафаров зим-масига юкланади. Чунки воҳадати масжидларни қайта рўйхатга олиш учун ҳужжатларни тайёрлаш ва идора ҳайъатига тақдим этиш айнан ушбу шахсининг хизмат ваколати доирасига кирарди.

Бир неча кундан сўнг бобо Комилнинг хонаси-га келди.


— Ука, мана, сиз рўйхатда кўрсатган ҳужжат-ларни олиб келдим. Энди бу ёғини тезлатинг. Савобга ботасиз. Одамлар кутишяпти.

— Кутса кутаверишсин, — дейди маслаҳатчи гаши келиб. — Менга бунинг аҳамияти йўқ. Хоҳ-ласам ўтказаман, хоҳламасам йўқ.

— Ундай деманг, ёрдам қилинг, барака топгур.

— Бу ёғини биз ҳал қиламиз. Сиз бўйсиз, бороверинг.

Шундан кейин чоллар бошқарма бошлиғига



риқ шу. 6) 4 дона паста қўқ қора гелевий ручкага. 7) 5 дона яхши ёзадиган ручка оддий қўқ. 8) 20 дона яхши математика дафт-тари. 9) 4 дона линейка яхшиси-дан чизишга. 10) 5 дона вараги бети кўп бўлсин яхши кундалик дневник дафтар. 11) 7 дона, 4 дона батарей керак. 12) 20 дона она тили дафтари керак. 13) 6 дона яхши қора қалам. 14) 1 дона қалам чи-қаргич. 15) 1 пачка коробка рангли қалам ҳар хилидан. 16) 1 коробка пластелин. 17) 20 дона қўқ паста ручкага ёздириб олгин қалин ёза-диган бўлсин ингичка хира ёзма-син тағин».

Шу бир парча қоғоздаги би-тикларнинг ўзиёқ домланинг дунё-қарashi, савияси, ички дунёсини, қисқаси, асил башарасини ойна-дек акс эттириб турибди. Бу ёғига ўзингиз хулоса чиқариб олаверинг.

Яхшиям домланинг «парво-зи»га чек қўйилди.

* * *

Илтимос қилишга мажбур бўлишди. Аммо бари-бир масаланинг ҳал бўлиши чўзилаверди. На-моҳзонлар бетоқат бўлиб яна Ражаб бобони вақил қилиб Сафаровнинг хузурига юборишади.

— Катнаёвериб чарчадим. Бирор гапингиз бўлса айтаверинг. Сизни тушунаман, — бу гал бобо гапни қисқа қилади.

— Бобо, бу иш ҳал бўлиши учун 370.000 сўм олиб келишингиз керак. Шунда мушкулларингиз осон бўлади.

— Болам, бизлар пенсионер бўлсак. Бунча пулни қаердан топамиз. Инсоф билан гапиринг ахир.

— Бўпти, сизнинг қарилгингиз учун 20.000 ўтам.

Оқсоқол бир зум ўйлаиб қолади.

— Майли, тўплаб олиб келишга ҳаракат қила-ман.

Бобо кўчага чиқгач, бу гап роса алам қилади: «Вой, ноинсоф-ей! Худди отасининг молини сотаёт-гандек савдолаша-я...».

У тўғри тегишли маҳкамга томон йўл олади. Режа пишитилгач, яна «қадрдони»нинг хузурига ошиқади.

— Пулни олиб келдингизми? — сўрайди Комил ҳеч тап тортмасдан.

— Олиб келдим.

— Столнинг устига қўйинг. Амри бажарилди.

— Мана бу бошқа гап. Минг сизу биздан, бир жизу биз афзал, — илҳизми К.Сафаров. — Энди масжидларингиз тез кунларда рўйхатдан ўткази-лади.

Кетишида бобони ҳатто йўлаккача кузатиб қўяди. Хонага қайтиб кириб, тахлам-тахлам пуллари ни чўнтакларига солиб, чиқиб кетмоқчи бўлганида йўлини тўсишади...

— Мен нафс балосига йўлиққанлигим оқибати-да ушбу жиноятни содир этдим, — дейди Сафаров тергов жараёнида айбига иқроор бўлиб.

Бироқ энди кеч эди.

Дилмурод АБДУРАҲМОнов,
Республика Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғининг ўринбосари



Ҳамжихатлик зарур

Украинда мамлакат парламентида ўтказилган сайловларнинг якуний ҳисоботи эълон қилинди. Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра, сайловда 32,12 фоиз овоз билан Виктор Янукович раҳбарлигидаги «Худудлар партиязи» галиб чиққан. Иккинчи ўринда Юлия Тимошенко бошчилигидаги сиёсий блок, учинчи ўринда эса Украина президенти Ющенконинг «Бизнинг Украина» партиязи, тўртинчи ўринда Украина социалистлар партиязи, бешинчи бўлиб эса коммунистлар партиязи турибди. Бошқа партиялар мамлакат парламенти Радага тегишли бўлган 3 фоизлик чегаралдан ўтмаган. Президент Виктор Ющенко радио орқали украин халқига мурожаатда мамлакат парламентида кирган барча сиёсий партиялар вакилларини «барқарорлик ҳақида» битим имзолашга чақирди, деб хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

— Бундан буён биз, — дейди Ющенко, — ўз қаранларимиз ва гоёларимиз эмас, балки Украина равнақи учун ҳаракат қилмоғимиз, кучларимизни бирлаштириши мумкин.



Муддатдан илгари сайловлар

Таиландда ҳукумат инқирозига чек қўйиш мақсадида муддатидан аввал парламент сайловлари ўтказилди. Сайловлар ўз муддатидан уч йил аввал бўлиб ўтди. Таиланд бош вазири Таксин Шинаватра ўтган йили ҳукумат тепасига келган, лекин унинг оила аъзолари коррупция ва товламачиликда айбланган, муддатидан аввал сайловлар ўтказишга қарор қилинган. Мамлакатдаги ўчта муҳолифат партия бош вази-

дан конституцион ислохотларни ўтказиши ва ўз лавозимини бошқа бетараф шахсга бўшатиб бериши талаб қилган. Бироқ, Шинаватра жорий йилнинг 24 февралда мамлакат парламенти тарқатиб юбориб, янги сайловлар муддатини белгилаган. Муҳолифатчилар мазкур сайловларда иштирок этишдан бош тортди ва ўз тараф-

дорларини шу йўлни туттишга чаклиди. Таъкидлаш керакики, агарда улар ўз фикрларини ўзгартириб сайловларда қатнашмаса, сайланган депутатлар сони янги парламенти шакллантиришга етарли бўлмайти ва шу зайилда янги ҳукумат шаклланиши мумкин. Сайловлар жараёнида учта сайлов участкасида портлаш содир этилди, 5 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Қарор ўзгарди

Инсон фикри ўзгарувчандир, деганлари рост гап экан. Бунга мисол қилиб Бууюкбритания бош вазири Тони Блэрнинг сўзларини келтириш мумкин. Аввал маълум қилинганидек, Тони Блэр раҳбарлигидаги лейбористлар партиязи 12 ишбилармондан 14 миллион фунт-стерлинг миқдоридан қарз олганлиги ҳақида хабарлар тарқатилганди. Мазкур ҳолат мамлакат жамоатчилиги томонидан танқид остига олинганди. Ўша вақтда Тони Блэр журналистлар билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида келаси сайловларда ўз номзодини қўймаслиги борасида фикр алмашганди. Сўнги интервью чоғида Блэр жаноabl турли босимлар остида амалга оширилганини таъкидлаб, келаси сайловларда ўз номзодини илгари суриши мумкинлигини ҳам айтиб ўтди, деб хабар қилади «Reuters» ахборот агентлиги.



Янги қўлланма

Латвия ташқи ишлар вазири Артис Пабрикс республика фуқаролари учун айрим сиёсий саволларга ойдинлик киритиш мақсадида «Politika mazais leksikons» номли лугатни чоп этишга тайёрлади. «DELFI интернет» нашрининг хабарига кўра, мазкур китобнинг тақдимот маросими 31 март куни бўлиб ўтди. Муаллифнинг сўзига қараганда, ушбу нашр орқали аҳоли ўзини қизиқтирган кўп саволларга жавоб топадилар ва халқаро сиёсатдан огоҳ бўладилар. Пабрикснинг фикрича, фуқароларнинг сиёсий саводхонлиги замон талабидир. Чунки демократик давлат фуқароси рўй бераётган ўзгаришларни нафақат кўзатиши, балки таҳлил этиши ҳам мақсадга мувофиқдир.



Янги режа амалда

Худудда барқарорликни таъминлаш борасида бир мунча ютуқларга эришиш мумкин. Шунингдек, янги ҳукумат қуролланган ғуруҳлар раҳбарлирига мурожаат этиб, ўз жангариларига кўчаларда қурол олиб юришни маън этмишни сўради. Шундай бўлсада, ФАТХ партиязининг раҳбари янги ҳукуматнинг чақирувларини инкор этиб, Ғазо сектори кўчаларида ўз тарафдорларининг ҳарбий намоишини ўтказди. Таъкидлаш керакики, янги ҳукумат томонидан бундай чоралар қўланиши бежиз эмас. 31 март куни Ғазо сектори кўчаларида қуролланган икки ғуруҳ ўртасида тўқнашув рўй берди. Натижада уч киши ҳаётдан кўз юмди.

Фаластиннинг янги ташкил этилган ҳукумати Йордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ҳамда Ғазо секторида барқарорликни таъминлаш бўйича янги иш дастурини ишлаб чиқди, деб хабар беради BBC ахборот агентлиги. Мазкур режага кўра, бундан буён масжидлар, уруғ оқсоқоллари ва маҳаллий ОАВнинг таъсирчанлиги оширилади. Уларнинг ёрдамида ушбу давлатларда қўлдан келиши мумкин. Шунингдек, янги ҳукумат қуролланган ғуруҳлар раҳбарлирига мурожаат этиб, ўз жангариларига кўчаларда қурол олиб юришни маън этмишни сўради. Шундай бўлсада, ФАТХ партиязининг раҳбари янги ҳукуматнинг чақирувларини инкор этиб, Ғазо сектори кўчаларида ўз тарафдорларининг ҳарбий намоишини ўтказди. Таъкидлаш керакики, янги ҳукумат томонидан бундай чоралар қўланиши бежиз эмас. 31 март куни Ғазо сектори кўчаларида қуролланган икки ғуруҳ ўртасида тўқнашув рўй берди. Натижада уч киши ҳаётдан кўз юмди.

Қонун кучга кирди

Францияда «Дастлабки меҳнат шартномаси тўғрисида»ги қонун кучга кириши мамлакатда катта тартибсизликларга сабаб бўлди. «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур қонунга мувофиқ иш берувчи ходимини меҳнат фаолиятининг дастлабки икки йили мобайнида ҳеч бир тушунтиришларсиз бўшатиб юборишга ва компенсация тўловини тўламасликка ҳақлидир. Шу йўл билан мамлакат ҳукумати меҳнат ресурслари бозорини янада ихчамлаштироқчи бўлган. Франциядаги талабалар ҳамда касоба уюшма ташкилотлари бир ой давомида мамлакатнинг турли бурчакларида қонуннинг қабул қилинишига қарши намоишлар ўтказган эди. Қонун қабул қилиниши билан норозилик намоишлари яна авжига чиқди. Франция президенти Жак Ширак вазиятни юмшатиш мақсадида мамлакат аҳолисига мурожаат этиб, мазкур қонуннинг айрим бандларига ўзгартириш киритишга ваъда берди.



Италия. Венециядаги тарихий музей.

Истеъмолчининг қарори

Маълумки, Россия ҳукумати 27 мартдан ўз худудига Грузия ҳамда Молдавияда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотларини киритишни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилган. «Роспотребнадзор» мутяхассисларининг таъкидлашича, ушбу давлатларда ишлаб чиқарилган вино маҳсулотлари таркибида инсон саломатлиги учун хавф туғдирайдиган 2- ва 3-турух пестицидлар диққатланган. Мазкур қарорга инсбатан Грузия президенти Михаил Саакашвили ўз фикрини билдириб, ушбу муаммонни сиёсий ўйин ден баҳолди. Унинг айтишича, 2005 йилдан бошлаб мамлакатда вино ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, маҳсулотнинг сифати ва ҳажмининг ошириш дастурлари ишлаб чиқилиб, амалга асриш этилган. Бу ўз навбатида қўлда виноларни ишлаб чиқаришга чек қўйилганини кўрсатади. Грузия парламенти спикери Ниво Буржавалде мазкур масала юзасидан фикр билдириб, Россия томони тез орада ўз қарорини қайта ўйлаб чиқиб, ўзгартиришга умид билдириди. Грузия ишлаб чиқарувчилар ва савдо палатаси россиялик ҳамкасбаларига мурожаат қилиб, унда грузин вносининг ҳозирги сифати ва бошқа санитария меъёrlарининг талаб даражаларга эътиборга олинганини ҳақида маълумот берди. Таъкидлаш керакики, айнан Россия грузин вносининг энг катта истеъмолчиси. Агарда бу масалага тез орада ойдинлик киритилмас экан, Грузия иқтисодиёти каттагина зарар кўриши мумкин.

Хотиржамликка ҳали эрта

Табиат ҳар лаҳзада ўз қудратини кўрсатишга қодир. Бунга Чехияда рўй берган сув тошқинини мисол қилиш мумкин. Мамлакатнинг 14 та худудидан 7 тасида фавқуллодда вазият жорий этилди. Мазкур ҳолат 2 апрелдан 10 апрелгача амалда бўлди. Маҳаллий ҳукумат вакилларига бир қанча ваколатлар берилган. Хусусан, улар мазкур вақт оралиғида фуқароларнинг ҳаракатланишига чекловлар қўйиш, ўз ташаббуси билан кўтқарув ишларини амалга ошириш ва зарурий техника воситаларини кимга тегишлилигини дахтати назар бу ишларга жалб этиш ваколатига эга бўлишди. Тоғларда қор эриши ва сурункали йېмғир ёғиши оқибатида ҳосил бўлган сув тошқини Чехия, Германия, Австрия ва Венгриянинг айрим худудларини ҳам қамраб олган. Мутяхассисларнинг фикрича, тез кунда Чехия дарёларидаги сув сатҳи ўз меъёрига келадати. Бироқ, ҳукумат бундан-да оғир вазиятларнинг олдини олиш мақсадида барча имкониятларни ишга солмақда. Табиий офат рўй берган ўлкалар аҳолиси хавфсиз жойларга кўчирилмоқда, мамлакат ҳукумати табиий офатни бартараф этишга 5 миллиард крон (200 миллион АҚШ доллари) миқдоридан маблағ ажратди.



Норозилик кучаймоқда

Истамбулда Курдлар партиязи томонидан уюштирилган норозилик намоиши бўлиб ўтди. Мазкур намоиш катта тартибсизликларга айланиб кетиб, тўрт киши ҳалок бўлди. Бундан олти кун олдин мамлакатнинг жануби-шарқий қисмида бошланган намоишлар Истамбулда авжга чиққан. Икки юз кишидан иборат намоишчилар автобусларни ёқиб, турли тартибсизликларни вујудга келтиришди. Норозиликлар сешанба куни турк ҳарбийлари томонидан икки нафар курд айирмачисининг ўлдирилишидан сўнг аланга олган. Юзлаб ёш курдлар полицияга қарши турли қуроллар ишлатиб қаршилик кўрсатдилар. Туркия ҳукумати мазкур тартибсизликларда Курдистон ишчи партиязи раҳбариятини айбламоқда. Айрим давлатлар, жумладан Европа Иттифоқи ҳамда АҚШ мазкур ташкилотнинг террористик уюшма дея эълон қилган. Таъкидлаш керакики, Курдистон ишчи партиязи 1984 йилдан бери Туркияда озчилик ташкил этадиган курд миллатининг ҳақ-ҳуқуқлари учун кучга кирди. Сўнги йилларда ушбу ташкилот мамлакат ҳукумати билан бир неча музокаралар ўтказиб, вазиятни анча юмшатиб олган эди. Бироқ, 2004 йилга келиб музокаралар боши берк кўчага кириб қолиб, муаммолар янада чигаллашган. Қузатувчиларнинг фикрича, бу сафарги намоишчиларини бостиришда Туркия ҳукумати бир мунча энгилроқ йўлни қўллаган, бунга сабаб Туркиянинг Европа Иттифоқига киришида инсонпарварлик тамойиллари борасида муаммоларга дуч келмаслиқдир, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

Музокаралар нима беради?

АҚШ давлат котиби Кондолиза Райс ҳамда Бууюкбритания ташқи ишлар вазири Жек Стро Ироққа ташриф буюрди, деб хабар беради «Associated Press» ахборот агентлиги. Бууюкбритания ҳамда АҚШ элчихоналари вакилларининг билдиришича, ҳозирда Ироққа миллий ҳукумат раҳбарини тайинлаш борасида мамлакатдаги ишлар ва сунийлар ўртасида кескин келишимчиликлар юзга келмоқда. Эзелатиб ўтиш жоизки, Ироқда янги ҳукуматни шакллантиришдаги сайёҳаракатлар айнаи дамда боши берк кўчага кириб қолган, чунки ушбу маъхаблар бир-бирининг тақлифига кўнамапти.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!
Республика Бош прокуратураси жамоаси бўлим катта прокурори Айгул Атаджоновага падари бузуқворни **Иброҳим АТАДЖОНОВНИНГ** вафот этганлиги муносабати билан **чуқур ҳамдардлик ихлоқ этди.**

Эксклюзив интервью



Прокуратура идораларида қарийб 35 йил фаолият кўрсатган Светлана Истомина шу кунларда 70 ёшга қадам қўймоқда. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани прокуратурасида давримдан Республика прокуратурасининг бўлим прокурори бўлган йилни босиб ўтган бу аёлини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Газетамиз чоп этилиши арафасида у киши билан телефон орқали боғландик.

Ўтган умримга ачинмайман

— Ассалому алайкум, Света опа? — Ваалайкум ассалом, ким билан гаплашаяман?
— Сизни «Huquq» газетасидан безовта қилаялмиз. Таваллауд айёмида сиз билан табрикламоқчи эдик. Республика Бош прокуратураси раҳбарияти узоқ йиллик меҳнатинингизни қадрлаб, газета орқали сизни табриклашмиз сўрашди.

— Бундай эътибордан бошим кўкка етди. Болалигимда онам менга ҳалол меҳнат қилсанг, бошқаларга қўлингдан келганча ердан берсанггина одамлар орасидан кадр топасан деб кўп уқтирар эдилар. Ҳаётимда нимагаки эришган бўлсам, бунинг учун энг аввало онамга таъзим қиламан. У киши ҳозир тўқсон ёшга яқинлашдилар. Табиатан адолатсизликка чидай олмайдиган бўлганим, мундир кийган одамларга қизиққан-ним учунми, 1960 йили университетнинг юридик бўлимига кирдим. Кейин эса Чилонзор тумани прокуратурасига ишга юборишди. Устозларим ҳақида гапир-масам адолатсизлик бўлар. Ҳуқуқшунос сифатида шаклланишимдаги хизматлари учун мен улардан умрбод қарздорман. Қаерда бўлмай, қайси ишни кўрмай, адолат чегараларидан бир қадам ҳам чекимнадим. Прокурорлик касби шарофтини муносиб ҳимоя қилишга, қонунларга бирдай амал қилинишига бор кучимни сарфладим. Бундан жуда кўп нарса ютдим. Ҳурмат топдим, дўст орттирдим. Умуман танлаган касбимдан, босиб ўтган умримдан ҳеч қачон афсусланмайман.

— Света опа, ҳамиша соғ бўлинг. Сизга куч-қувват, узоқ умр тилаймиз.
А.МУСТАФОҚУЛОВ,
«Huquq» муҳбири

Ҳангома

Одатда прокурор деганда кўз олдимизда анчайин босиқ, сермулоҳаза, ўта синчков, салобатли кишилар гавдаланади. Аслида ҳам шундай. Амо она шу жиддий ва масъул одамлар ҳақида ҳам ҳазил-мутойиба, латифанамо воқеалар бўлиб туради.

Узр, танимабман...

Бир куни туман ички ишлар бўлимининг терговчиси жиноят иши юзасидан гумондор фуқарони прокурорнинг қабулига олиб келди.

Фуқаро стулга суянди-да, дам қизариб, дам бўзариб тезда хона ичи, жиҳозлар ҳамда икки томонида ўзини синчковлик билан кузатаётганларга рази солди. Лаҳза ўтмай унинг бўзарган нигоҳлари бир нуқтага тикилиб қолди.

Қисқа савол-жавобдан сўнг у тушунтириш хати ёза бошлади. Оқ қоғоз устида харақатланаётган бармоқлар хиёл титраб турарди.

Прокурор терговдаги одамларнинг руҳий ҳолатини яхши биларди. У фуқаронинг шахси

тўғрисидаги дастлабки маълумотлар билан танишгач, сўради:
— Панжи ака яхши юрибдими?

Гумондорнинг ҳадиқсираб турган юз-кўзларида деярли дўстона бир ифода пайдо бўлди.

— Амакимми... ҳа-ҳа, раҳмат, яхши-яхши, соғ-саломат юрибди. Раҳмат, раҳмат...
Кутилганидек бўлди, ўртадаги мужмалликча чек қўйилди. Суриштирув жараёни ҳам рисоладагидек кечди.

Кетишга руҳбат берилди. Гумондор билан бирга чиқиб кетган ички ишлар бўлими терговчиси бироздан кейин прокурорнинг ҳузурига қайтиб кирди. Энди унинг юзиди ҳадиқми, ха-

вотирми, хуллас, аллақандай ўнғайсизликка ўқша маъно бор эди.

У каловланиб турди-да, сўнг бўшашигина прокурорга деди:
— Узр, бояги кишининг сизга танишлигини билмагандим. Агар билганимда... Энди такрорланмайди.

Бироздан сўнг прокурор деди:
— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ. Бутунлай нотаниш киши, ахир отасининг исми Чори бўлганидан кейин, табиийки, Панжи, Олти исмли ака-укалари ҳам бор.

Бундан кейинги воқеалар бир неча дақиқа ичида содир бўлди. Хонада кучли қаҳқаҳа кўтарилди.

Гулчехра ЖУРАЕВА

Мусобақа

Яқинда Кашкадарё вилоят прокуратураси ташаббуси билан Касби туманидаги «Дўстлик» ўйингоҳида прокуратура тизимида кўп йиллар самарали меҳнат қилган, шунингдек миллий кураш бўйича донг таратган машҳур полков, марҳум Саидмамат Саидов хотирасига бағишланган кураш мусобақаси бўлиб ўтди.

Полков хотирасига бағишланди

Унда республикамизнинг номдор полковлари катнашди. Мазкур мусобақани миנגлаб кураш муҳлислари катта қизиқиш билан томоша қилишди.

Миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони, сурхондарёлик Абдулла Тангриев ҳамда қосонлик Нурилла Абдуллаевлар бош соврин учун ўзаро баҳслашди. Рақибдан анча устун келган тажрибали полков Абдулла Тангриевнинг бу гал ҳам кўли баланд келди. У голибликни кўлга киритиб, бош совринга сазовор бўлди.

Голибларга вилоят прокуратураси ва Касби туман ҳокимлигининг Фахрий ёрликлари ҳамда қимматбахо совғалар топширилди.

Б.ЯЛЛАЕВ



«Қаро кўзум, кел эй мардумлар эмди фан қилма...»
А.ТҲРАЕВ олган сурат

Ҳажвия

СЕВГИНИНГ ТУФИЛИШИ

Олма севи рами эканлигини қайсидир китобда ўқиган эдим. Ушанда бунга унчалик бовар қилмагандим. Яқинда бир воқеа бўлдию, бу гапнинг чинлигига ишондим.

Бир қадрдон дўстим «бўйдоқсан, уйингда қамалиб ўтираверсанми?» дея уйига меҳмонга чакирди. Уйига биринчи бор боришим, куруқ бормай деб, бозорга тушдим. Нима харид қилишимни билмайман. Бўйдоқ харидни қаердан билсин! Эринмай бозор айландим. Дўстим нукул «ўғилчам олмани жуда яхши кўради» деб гапирди. «Ке, дўстимнинг ўғли бир маъза қилсин», дедим-да, олма харид қилмоқчи бўлдим.

Бозордаги олмаларга қарасангиз, кўзи олади. Саралаб-саралаб, бир отахоннинг олмасига ишқим тушиб, унга яқинлашсам, қиз дейми, жувонми ёки аёл дейми... Келинг, менинг кўзим билан қарайлик. Бир қиз харидордай олмаларни ушла-ушлаб кўряпти. Мен унга эътибор бермай, отахонга:

— Менга икки кило олма тортинг, — деганимни биламан, қиз менга ўқрайиб қаради-да:
— Биз ҳам олма ола-

миз деб турибмиз бу ерда, — деди у кўпчиликда гапириб. — Мушукдай келиб тикилишингизга қараган.

— Нега мени мушук дейсиз? — дедим мулоийлик билан. Мулойим гапирганимга шаъма қилибми:

— Миёвлаг гапирганингизга-да! — деди, гўё менга эмас, бозога гапиратгандай қилиб.

— Кечирасиз, — дедим янада мулоийлашиб. — Одатда кўпича аёлларни мушукка ўхшатишади.

Аёл, туш, қиз лоз этиб ёниб кетди.

— Нима, мушукнинг эраки бўлмайди?
Гапга отахон аралашди.

— Ҳай-ҳай, кал-катта одамлар, урушманглар, уят бўлади!

Қиз отахоннинг ҳам озгига «урди».
— Сиз аралашманг! Бунақа тошўрақларга индамасангиз, бошингизга чиқиб олади!

Узини қанчалик бошига ҳаракат қилмай, асабим таранглашиб, қўларим қалтираб кетди.
— Сиз, хоним, менинг ҳамиятимга тегаясиз!

— Биринчидан, ўртага Ҳамият холагизни тикиш-тирманг, иккинчидан, мени хоним деманг! Нима, мен сизнинг хотинингизми, —

хоним дейсиз?
— Сиздай қизга эр бўлишдан худо асрасин!
— Хо, мендай хотинингиз бўлганда жон дердингиз-ку!
— Йўқ-йўқ, асло жон демасдим.

— Нима дердингиз?
— Жоним, дердим!
— Пичинг қилманг, сиздай эрақлардан бунақа гапни тиланиб ҳам олиб бўлмайди. Ҳамма гапларингиз тил учиди. Сизнинг бўлганчилигингиздан хотинингиз ҳам безордир?
— Эътиборингиз учун, мен бўйдоқман.

Қизгина бирдан мулоийлашди ва отахонга қараб:

— Отахон, олмани иккаламизга битта қилиб тортиб беринг, — деди тазоно палласига олма солишда отахонга кўмақлашкан.

— Кейин иккаламиз бўлишиб олармиз.

Отахон тортилган олмаларни халтасига соларкан, энди мен унга ёрдамлашдим ва олманим пулини ҳам тўладим. Сўнг иккаламиз бозордан чиқиб кетдик...

Ха айтгандай, ўша кун дўстимниқига бормадим. Бир ойдан кейин бориб, оиласи билан тўйга тақриф қилиб келдим.

Илҳом ЗОЙИР

Қизиқарли факт



Қирғийсимонлар оиласига мансуб бўлган Сапан куши нагга қараб учаетган вақтда 350 км. соат тезликка эриша олади. Айни шундай тезликда ер орбитасига ракета олиб чиқувчи «Шаттл» ҳаво кемаси ерга қўнади.

Афоризм

Кўпгина буюк ҳақиқатлар аввалига масхара-ланган.
Бернард ШОУ

Сизнинг фикрингиз қандай?

Ҳурматли газетхон! Газетамизнинг янада мазмунли ва қизиқарли чиқиши сиз азизларнинг фикр-мулоҳазаларингизга боғлиқ. Марҳамат, фикр билдириг.

Газетамиз саҳифаларида қандай материаллар ўқини хоҳлайсиз? Сизнингча, биз ҳаётимизнинг қайси жабҳаларини етарлича ёритолмаймиз? Балки сизнинг ҳам ўз айтар сўзларингиз бордир. Таклифларингиз бўлса, бизга кўنжирок қилинг! Агар бунинг иложини тополмасангиз ёзма шаклда электрон почтамызга ёки Тошкентдаги почта манзилимизга юборинг. Сизлардан келган таклифларнинг ҳеч бири эътиборсиз қолмайди.

Телефон: (371) 133-10-53, 133-98-40
E-mail: huquq@mail.ru

HUQUQ

юрidik газета

Та'сисчи:
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:

Jahongir SHAROFBOYEV

Тahrir hay'ati:

Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Pirmuqol QODIROV, Abdullolig ABDURAZZOQOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Телефон: 133-98-40, 133-26-62.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Газета 0'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Харфларни тўғри кетма-кетликда улаб, яширилган сўзни аниқланг. (Намунага қаранг).

П
СГУ
ЯКЭМ
ИЦА

АЖ
РТА
ОН

НРДОЯ
ИЕМИ
ЗАЦ

РКО
ЕР
РЕД

ЦИ
ИАПС
ЯЭН
МА

Ўтган сондаги ребус жавоблари: презумпция, хафсизлик, пенология, муассаса, кўппартиявийлик, монархия

Buyurtma Г — 656.

Газета тahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: F.MAMASHARIPOV
Mushohib: A.MUSTAFOYEVA

Газета «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxon manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-oy.

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda